*Эски шаҳар ёшаради*

## БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА



***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қароридан сўнг ўтган қисқа муддат ичида Эски шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.***

Республикамиз раҳбариятининг бу муҳим ишга қаратилган доимий ғамхўрлиги туфайли аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан қилинган иш бугун ўз самарасини рўйрост кўрсатди. Бугунги кунда Сағбон, Қорасарой кўчаларидан ўтган киши бунёдкорлар меҳнатига тасаннолар айтади. Бу кўчаларда ҳозирда бир неча йўналишлар бўйлаб троллейбуслар қатнаб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Бугунги кунда Форобий кўчасининг ҳусни ўзгача. Эни 33 метрли кўчада кўплаб замонавий уйлар қурилиб фойдаланишга топширилди. «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмаси билан қурилган бу уйларда юзлаб бахтиёр оилалар байрамни нишонлашмоқда.

Албатта, Эски шаҳарни қайта тиклашда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчиларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Корпорация таркибида жамланган 23 мингдан ортиқ бунёдкорларнинг катта қисми Эски шаҳар ҳудудини ободонлаштиришда фаол қатнашиб, эл олқишига сазовор бўлишди. Уларнинг кучи билан ўтган бир йил мобайнида Беруний, Тахтапул кўчаларида ҳам кўплаб тўрт қаватли ғиштли уйлар қурилди. Беруний кўчасида яқиндагина фойдаланишга топширилган 16 оилага мўлжалланган уйга байрам арафасида ўз эгалари кўчиб киришди.

Бугунги кунда ҳам Эски шаҳар қурилиши кенг миқёсда давом этмоқда. Лойиҳачилар ва бунёдкорларнинг режалари бундан далолат бериб турибди. Масалан, келажакда Чорсу бозори атрофи янада ободонлаштирилади. Ботир Зокиров ва Заркайнар кўчалари қайтадан қурилиб кенгайтирилади. Ҳозир бу жойларнинг бир қисмида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, шаҳримизнинг қадимий кўчаларидан бири бўлган Самарқанд Дарбоза кўчасидан Хўжаев кўчасигача бўлган қисми кенгайтирилиб, бу йўлда эндиликда трамвай қатнови йўлга қўйилди. Кўчанинг икки томонида замонавий 9-12 қаватли турар жой бинолари қурилиши бошланди. Маҳаллий аҳоли эса ўзи истиқомат қилаётган ерга қурилган янги уйларга кўчиб кирмоқда.

Эски шаҳарнинг Қоратош, Фурқат, Навоий, Самарқанд Дарбоза, Хўжаев кўчалари билан чегараланган қисмида ҳам тўрт-беш қаватли бинолар қурилиб, уларнинг биринчи қаватидан маданий-маиший мажмуалар ўрин олиши режалаштирилган. Бу жойларда режа бўйича замонавий бинолар қурилиши ҳисобга олинган. Бу биноларга савдо, маиший хизмат уйлари жойлашади. Хадра майдонидан Марказий универсал дўконигача бўлган масофада ҳам кенг миқёсли ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Яъни бу ерда дам олиш зоналари, кичик меъморчилик иншоотлари бунёд этилади. Аброр Ҳидоятов театри ва «Кўкалдош» мадрасаси атрофи ҳам ободонлаштирилади.

Ўзбекистон кўчасининг Халқлар Дўстлиги майдонидан Абай кўчасигача бўлган қисмига жойлашган биноларнинг орқа томонидан жаҳон андозаларига мос келадиган икки қаватли савдо мажмуалари қурилиши режалаштирилган. Ҳозир уларнинг лойиҳаси тайёр. Самарқанд Дарбоза кўчасини «Оқтепа» майдонигача узайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, бу йўлда трамвай ва бошқа транспортлар қатнови йўлга қўйилади.

Биз куни кеча Қорасарой кўчасида қурилиб фойдаланишга топширилган тўққиз қаватли уйда бўлдик. Ҳонадон эгалари билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан: «Бизга шундай кенг ва ёруғ уйларни қуриб беришда тинимсиз ғамхўрлик қилиб келаётган республикамиз раҳбариятига минг раҳмат», дея дил изҳорларини баён этишди.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*



# 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

***Минг бора шукрлар бўлсинки, ҳар тонг, ҳар шом дастурхон атрофида халқимизнинг фотиҳага қўл очиб, юртга тинчлик, катта-ю кичикка диёнат тилаб қилган дуолари вожиб бўлди. Кўкдан раҳматлар ёғилди. Асрий орзуларимиз ушалиб мустақилликка эришдик. Не бахтки, ана шундай эркинликка эришган кунимизни бу йил—Оила йили сифатида шод-хуррамлик билан ўтказмоқдамиз.***

*Изҳор*

## ШОГИРД КАМОЛИ — УСТОЗ БАХТИ

1998 йилда ҳаж сафарига 3 мингдан ортиқ киши қатнашди. Сафар қилувчилар орасида кўпроқ бола-чақасидан тинчиган, бемалол бориб-келиш имкониятига эга бўлган намунали оилалар кўпчиликни ташкил этди. Камина шу ўринда 1998 йил — Оила йили ҳаж сафарида иштирок этган 7 фарзанднинг (7 олимнинг) онаси бўлган Фароғатхон ая Миркомилованинг оиласини қаламга олмоқчиман. Чунки бу оила фарзандлари мен 50 йил ўқитувчилик қилган Сағбон кўчасидаги 24-ўрта мактабда таълим-тарбия олиб, камолга етишган олим ва олималардир.

Миркомиловлар оиласининг саркори, раҳматли Миролим ака Миркомилов 24-мактаб рўпарасидаги «Олча» кўчасида яшаб, дастлаб ўрта мактаб, сўнг олий ўқув юртларида раҳбарлик лавозимида кўп йиллаб ишлаган зиёкор, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими эди. Афсуски, 7 фарзандни тарбиялаб, ўқитиб, камолга етказган бир вақтда фарзандларини умр йўлдоши Фароғат аяга қолдириб, боқий дунёга кетди. Ота тарбиясини кўрган катта ўғиллари Дилшод ва Тўлқинжон Миркомиловлар илмий ишларини олиб бориш билан бирга укаларини бағриларига олиб, уларни ҳам ўқишига ва бошқа ишларига раҳбарлик қилиб бордилар. Айниқса, оналари Фароғат ая бошчилигида аҳил оила бўлиб, ўғил-қизларини муносиб кишилар бўлиши, яхши, муқаддас оилалар қуриш учун бир-бирлари билан аҳил бўлиб яшаб келмоқдалар.

Мен шу ўринда Миркомиловлар оиласининг бир фарзанди, 10 йил 24-мактабда ўқиган Тўлқин Миркомиловнинг илмий иш фаолияти ҳақида бироз тўхтаб ўтмоқчиман.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Т. М. Миркомилов ўз сулоласини эъзозлаб келаётган муносиб фарзандлардан биридир.

Тўлқин Миркомилов ана шундай олий даргоҳда раҳбарлик лавозимида ишлаш билан бирга меҳрибон онаси Фароғатхон ая билан бирга опа-сингиллари, ака-укаларига бош бўлиб, Миркомиловлар оиласини янада аҳил, мустаҳкам, элга ёрдам берадиган муқаддас оилалар бўлишига ҳаракат қилмоқда. Биз Миркомиловлар хонадонини тўлиқ маънода олимлардан ташкил топган намунали оила десак арзийди.

Оиланинг тўнғич фарзанди Раъноҳон бир неча йилдан буён пойтахтнинг 1-поликлиникасида шифокор бўлиб ишлайди. 3 фарзанднинг онаси. Акаси Дилшод ТошДУнинг физика факультетини тугатган. Ҳозир кимё-технология институтида кафедра мудири бўлиб ишламоқда. Ўғли Дилмурод Американинг Ўзбекистондаги элчихонасида элчи ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. Тўртинчи фарзанд Шавкат Миркомилов Тошкент Давлат педагогика университетининг табиат-биология факультетини тугаллаган, кимёшунос олим, Темур Миркомилов эса техника муҳандиси. Ҳозир Германия — Ўзбекистон «Барака-олам» корхонасида меҳнат қилади. Оиланинг кенжатой фарзанди Эркин Миркомилов Тошкент архитектура-қурилиш институтида кафедра мудири бўлиб ишламоқда.

Етти оиланинг умр йўлдошлари, келинлари, набиралари ҳақида ҳозирча ёзмадик. Албатта, вақти келиб улар ҳам қаламга олинажак.

Бир хонадонда шундай олим ва олималарнинг вужудга келиши ўзи бўлмаса керак. Бунинг учун меҳр-муҳаббат жўш урган аҳил оила сардори бўлишини, уларнинг тарбиясини давом эттирувчи меҳрибон муаллимлар ва ёшларни илм-маърифатга йўлловчи устоз-педагоглар бўлмаса ўз-ўзидан олимлар вужудга келмайди. Бунинг учун аввало оиланинг ўзи маърифатли бўлиб, болаларини ёшлигидан комил инсонлар бўлиб тарбиялашга аҳамият бериши керак.

Ўтган йили мен ишлаган ва Миркомиловлар оиласининг фарзандлари илм олган 24-ўрта мактабнинг 80 йиллик юбилейи бўлиб ўтди. Шунда қатнашган мингга яқин собиқ ўқувчиларимни ҳисобга олдим. 2 та академик, 22 та фан доктори, 100 лаб фан номзодлари, 14 та давлат ишидаги раҳбарлар, 20 дан ортиқ санъаткорлар, юзлаб шифокор, педагоглар ва чет элларда ўқиётган 50 га яқин шогирдларимиз борлигидан беҳад хурсанд бўлдим. Ҳадемай улар ҳам олимлар қаторига келиб қўшиладилар, республикамиз ривожига ҳисса қўшадилар.

Шу кунги анжуманда сўзга чиққан шогирдларимиздан академик Т. Миркомилов, адабиётшунос олим Р. Иноғомов, ёзувчи А. Иброҳимов, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси М. Мирқосимов ва бошқалар чуқур билим берган 24-ўрта мактабнинг педагоглари М. Шодмонов, К. Расулов, Қ. Аҳмедов, Р. Рўзиқулов, З. Аҳмедов, А. Жабборов, Т. Умаров, З. Камолов, Б. Тоҳиров каби марҳумларни хотирлаб, шу анжуманда қатнашаётган республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходимлари Н. А. Боязитова, Ю. Шокиров, Т. Каримов, Т. Ғаниева, М. Назарова, Ҳ. Қодирова ва бошқаларга берган тарбия ва билимлари учун миннатдорлик билдириб, мактаб маъмуриятига эсдалик совғаларини ҳадя этдилар.

Шу анжуманда халқнинг бир ибратли мақоли ёдимга тушди: «Шогирд камоли — устоз бахти».

Дарҳақиқат, биз устозлар бундан 40—50 йил аввал ўқиган мактабларини ва ўқитган устозларини эъзозлаб келган собиқ ўқувчиларимизни кўриб беҳад хурсанд бўлдик. Бинобарин мураббий учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

*Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,*
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, фахрий педагог.*





*Шаҳримиздаги 165-мактабнинг ёш ва изланувчан ўқитувчиси Саодат Ҳакимова болаларга география фани сирларини ўргатиш билан биргаликда қизлар клубига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Юртимиз тарихи ва унинг буюклигини ёш авлод онгига сингдириш барчамизнинг бурчимиздир, — дейди шу мактаб ўқитувчиси Ҳалима Аширова.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*

*Мулоҳаза*

## ИРОДАДАН БОШЛАНАР БАРИ

***Ирода бирон-бир мақсадни кўзлашда, қатъиятда чидам-саботда, сабр-тоқатда ва ўзини тута билишликда намоён бўлади. У ҳар қандай тўсиқларни енгишда, ҳар қандай оғир шароитга чидашга имкон берувчи қудратли кучдир. Болаларда бўлган қобилиятни тарбиялашда, ривожлантиришда, ундаги иродани мустаҳкамлашда оила ва мактаб асосий ўрин тутади.***

Кишининг иродаси мустаҳкам бўлса, учраган ҳар қандай қийинчилик ва хавф-хатарни енгади, бошлаган ишини охирига етказади, мақсадга эришади. Ирода кишининг иш фаолиятида шаклланади. Унинг ривожланиб боришида турмуш шароити, оила, мактаб ва жамоатчиликдан олган тарбия катта роль ўйнайди. Айрим ота-оналар ўз фарзандларининг балоғатга етиб қолганлигига қарамасдан «Ҳали ёш, ундан ҳозирча нимани талаб қилиб бўлади, ўсиб катта бўлсин», деб ўйлайдилар. Бу мутлақо нотўғри. Боладан унинг ёшига қараб иш талаб қилиш керак.

Болада бўлган иродани тарбиялаш ва шакллантириш учун уни биринчи галда ялқовлик, ишёқмаслик ва эринчоқликдан сақлаш лозим. Эринчоқлик иродaнинг кучсизлигидан келиб чиқади. Қозоқ халқининг улуғ шоири Абай айтганидек «Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик каби нарсаларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади».

Ирода болаларда ҳам, катталарда ҳам ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Ҳаммамизга маълумки, салбий ирода шахснинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам зарарлидир. Кишининг шахсий хоҳиши жамият манфаати билан мос ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Бундай ирода тарбиявий ирода ҳисобланади. Шу ерда бир воқеани айтиш ўринлидир. Бундан бир неча йил аввал ўнинчи синфни битирувчилар билан касб танлаш ҳақида суҳбат ўтказдик. Шунда Раҳмон деган ўқувчи келгусида шифокор бўлиш истагини билдирди. Унинг ўқиши ҳам ёмон эмас, анча қобилиятли бола эди. Синфдоши Аҳрор ҳам шифокор бўлиш орзуси борлигини билдирди. Аҳрор Раҳмонга нисбатан бўшроқ ўқирди. Улар ҳужжатларини тиббиёт институтига топширишди. Бахти чопмади. Иккалови йиқилди. Аҳрор умидсизланмади. Заводга ишга кириб 2 йил ишлади. Сўнг ўзи орзу қилган институтга кирди. Уни муваффақиятли тамомлади. Ҳозир «Тез ёрдам» хизматида ишлаяпти. Раҳмон қийинчиликларга чидамади, иродаси кучсизлик қилди. Натижада мақсадига эриша олмади.

Бола иродаси қанчалар барвақт тарбиялаб, чиниқтириб борилса, яхши натижа беради. Болаларнинг иродаси қийинчиликларни шахсан ўз кучлари билан енгишларида ривожланади. Эрта билан ўриндан туриши, бадантарбия машқларини бажариш, дарсларни ўз вақтида тайёрлаш, мактабга бориш учун ҳозирлик кўриш — буларнинг ҳаммаси ўқувчида маълум ирода кучини чиниқтириб боради. Синф раҳбарлари ўзларининг тарбиявий соатларида мардлик, баҳодирлик, жасурлик, қаҳрамонлик ҳақида суҳбатлар ўтказиб туришлари мақсадга мувофиқдир.

*Фахриддин НУРИДДИНОВ,*
*кекса педагог.*

*Ёднома*

## МУДОМ ЭЪЗОЗДА

***Шаҳримизнинг «Кўкча» даҳаси довруғи ҳаммага маълум ва машҳур. Бир неча ўнлаб тарихий маҳаллаларни бирлаштирувчи бу ажойиб маскан ўзининг машҳур мактаблари, зукколиги, олимлиги билан юртга танилган, энг кераклиси миллатимизга хос тарбияланган инсонлари билан ҳам танилган.***

Даҳада жойлашган 40, 41, 186, 141, 38-мактаблар шаҳримиз тарихи бир бўлаги десам муболаға бўлмас. Сабаби бу маҳаллалар юртимизга бир неча ўн минглаб фидойи кадрларни етказиб берди. Элимиз ардоқлаган машҳур педагогларимиз ҳам айни «Кўкча» даҳасида истиқомат қилганликлари бу ер тарбиясига, илмий муҳитига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, не ажаб. Гарчанд улар абадиятга бир неча ўн йиллар олдин юз тутган бўлсаларда, халқ уларни асло унутмайди. Оқилхон Шарафиддинов, Раҳмат Азларов, Саъдулла Исматов каби фидойи муаллимлар номидаги катта кўчаларнинг номланиши, Ғафур Рашидов, Ҳайит Тоғаев, Саъдулла Исматов номидаги мактабларнинг улар номи билан номланиши муаллим хизматининг юксак эъзозланишидир.

Дарҳақиқат, ҳалол, чин инсоний, олимлик хусусиятларига эга бўлган педагогларни эслаш бизнинг инсоний бурчимиз. Чунки улар берган сабоқ, тарбия туфайли биз шу даражаларга етишиб турибмиз. Аслида маорифимизнинг бугунги равнақида улар ҳиссаси беқиёс. Кўпинча нима учун шаҳримизнинг айнан «Кўкча» даҳасидан олимлар кўп чиққан, деган саволни беришади. Ўрта ёш олиму мутахассислар буни шу ерда истиқомат қилиб ўтган таниқли физик-услубчилар Усмон Орифжонов, Наби Расулов, республикамизнинг илк услубчи-кимёгар олими Абдужалил Фаёзов, таниқли филолог-педагог Саъдулла Исматовларнинг бир йўла илмий фаолиятини шу ердаги Алишер Навоий номидаги 40-мактаб билан боғланганлигида деб билишади. Улар ниҳоятда талабчанлик билан дарс беришар эдики, бу сабоқларни ҳануз эслаб юришади. Улар ёзган китобларни бутун республика ўқир эди. Ўша даврдаёқ алоҳида истеъдод эгалари билан якка шуғулланиб, уларни айни ўзларининг шогирдлари қилиб олар эдилар.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида муаллим байрами биздагидек бу қадар эъзозли, умумхалқ байрамига айлантирилмаган. Мустақиллигимиз шарофати билан шу қадар улкан қадр топдик. Лекин биздан олдин ўтган муаллимларимизни эслаш ҳам фарз, ҳам қарз. Юртимизни ҳур, эркин кўриш ўша замон муаллимлари, зиёлиларининг армони бўлиб кетгани сир эмас. Бундай ажойиб кунларга бугунги кун муаллими муяссар бўлганидан минг бор шукрлар қиламиз.

*Бахтиёр КАРИМОВ,*
*олий тоифали муаллим, халқ таълими аълочиси.*

*Ибратнома*

## ОДОБ САТРЛАРИ

• Камтар одамлар инсонийлик илмини, хулқ-атворни севдириш учун энг яхши ташвиқотчидирлар.

• Инсон учун яхши фазилатдан ортиқ дўст йўқ.

• Тавозеъ — одоб сақлаш демакдир.

• Одам ёмонлик кўрса ҳам, яхшилик кўрса ҳам ўзининг феъли-атворидан кўради.

• Ўз камчилигини ўзи тузатиш юз фазилат орттиришдан яхшироқ дейдилар улуғлар.

• Барча тубанликлар, ярамасликлардан ҳазар қилишни ибо деймиз. Иболи одамда, албатта вафо бўлади.

• Андиша, ҳаё, вафо бир-бири билан шундай иноқки, бири бўлмаган жойда бошқаси ҳам бўлмайди. Яъни андишаси борнинг ҳаёси бор, ҳаёси борнинг ибоси бор.

• Ақл бойлиги ўғирланмайди.

• Хушфеъл, хуштабиат, озодалик одамга бўлган ҳурматдандир.

• Виждон ёруғ бир йўлки, бу йўл саодатга олиб боради.

• Агар одамлар мени дўст кўрсинлар, одамийлигим, ҳуснимни яхшироқ кўринсин десангиз хушфеъл, очиқ юз, ширин сўз бўлинг.

• Аччиқланишга йўл қўймаң. Жаҳл шундай ёмон нарсаки ақл-фаросатингиздан ажратиб, юзни хунук қилиб қўяди.

• Саёқ юришлик кишини барвақт қаритади, мункайтиради, бемор қилади.

• Мен ном чиқаришни ёқтираман — бу бахт, лекин ном фойдали бўлишни истайман — бу эса бурчимдир.

• Дўст мусибатда, қаҳрамон жангда, ҳақгўй қарзини узишда, ёр камбағалликда, қариндошлар бошга кулфат тушганда билинади.

*Тўпловчи Ҳилолиддин ШАҲОБИДДИНОВ,*
*кекса педагог.*

# Хорижда

## ИСРОИЛЛИКЛАР МАРСНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДАЛАР

***Қуёш энергияси соҳасидаги мутахассис профессор Эппельбойм — Марсга космик кема учириш бўйича НАСА лойиҳасини амалга оширишда қатнашган ягона исроиллик.***

Тель-Авив университети профессори Марсдаги қуёш энергиясидан сайёралараро кемаларда ўрнатилган мураккаб тизимларни ишга туширишда фойдаланиш мумкинлигини исботлаб берди. Шу пайтгача америкалик тадқиқотчилар Марсдаги қуёш энергиясидан, сайёра атрофидаги космик чанг қуюқлиги ва у сайёра сатҳига қуёш нурларини қайта ишлашга етарли даражада ўтказмаслиги туфайли фойдаланиб бўлмайди, деб ҳисоблар эдилар. Исроиллик олимнинг мураккаб ҳисоб-китоблари бу нуқтаи назарнинг бекорлигини исботлади.

## ИЛМИЙ ЧЎҚҚИДА ШАРАФЛИ ЎРИН

***Филадельфия (АҚШ)да чоп этиладиган «Илмий цитата келтириш индекси» журналининг охирги шарҳи турли мамлакатлардаги илмий мақолалар сони ҳақида қизиқарли маълумотларни беради.***

Агар илмий ишларнинг умумий сони бўйича биринчиликни шубҳасиз АҚШ олган бўлса, мақолаларнинг аҳоли сонига нисбати бўйича бутунлай бошқа ҳолатни кўрамиз. Биринчи ўрин (ҳар 100.000 киши бошига 167 мақола) Швейцарияда, иккинчиси (152) — Исроил, сўнгра Швеция, Дания, Канада, Голландия, Финляндия, Буюк Британия, АҚШ ва Янги Зеландия.

Таҳлилда келтирилган бошқа қизиқарли факт, цитата келтириш индексига тегишли (мазкур мақола бошқа олимлар ишида эслаб ўтилгани сони). Мазкур давлатнинг ҳамма илмий мақолалари учун цитата келтиришнинг умумий ўртача индекси (ҳудуди аввалгидек аҳоли сонига нисбатан) Швейцария учун — 179, Швеция учун — 125 ва Исроил учун 105ни ташкил қилади. Кейинги ўринларда Дания, АҚШ, Голландия, Канада, Буюк Британия, Финляндия ва Исландия.

Бу илмий олимп биринчи уч ўринни бир хил учлик Швейцария, Исроил, Швеция эгаллаб турганини шарҳлаб «Бу маълумотлар уларга эҳтиёткорлик билан қаралса-қаралмаса бу кичик илмий гигантларнинг юқори сифат даражасини кўрсатади», — деб ёзадилар.

## ИНТЕРАКТИВ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИСРОИЛДА

***Исроил энг компьютерлашган давлатлардан биридир, уйлардаги компьютерлар сони бўйича эса дунёда АҚШдан ҳам ўтиб биринчи ўринни эгаллайди. Мактабгача ёшдаги болалари бўлган ҳар ўн исроиллик оиладан еттитасида компьютерлари бор.***

Бунинг асосида яҳудийларнинг болалар таълимига маблағни қизғанмаслик анъаналари давом этишини кўриш мумкин. Балки гап ғарбий йўналишни танлаган ёш давлатнинг юқори «технологик фикрлашида»дир.

Шунинг учун ҳам компьютерлар ва телевидение орқали интерактив хизматлар кўрсатиш Исроил бозорига йўл очади — бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Бир қанча Исроилдаги фирмалар ночор оилаларни компьютерлар билан таъминлаш ташаббуси билан чиқдилар. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Исроилни уй компьютерларидан фойдаланиш соҳасида янада олдинга силжитади.

Исроилнинг унчалик катта бўлмаган ҳудуди юқори ривожланган телефон алоқаси тизимига ўтишни енгиллаштиради. Бир қанча ҳудудларда бугунги кунга келиб интерактив телевидение учун пойдевор яратилган, Арад ёки Кармиэлда яшовчилар ўзларига керакли бўлган товарларни уйига буюртма бериши, шунингдек муниципал саволлар бўйича исталган ахборотларни олиши мумкин. Петах-Тиквада Исроилнинг уч фирмаси — «Безек», «Тадиран» ва «Эльбит» — янги тизимни синовдан ўтказишмоқда: 500 оила уларга ўқув дастурлари, компьютер ўйинлари ва ҳордиқ чиқариш дастурларини етказиб берувчи, шунингдек турли хилдаги маҳсулотларга буюртмалар олувчи марказий электрон «резервуар»га уланган, — бунинг учун оддий модем, уй компьютери ва телевизор бўлиши керак холос.



Исроил телефон китобининг ўрнини босадиган уй компьютерига уланадиган қўшимча мослама синовдан ўтган Франциядан кейинги иккинчи давлат бўлди.

## КОНСЕРВА ИДИШИДАГИ ҚУЁШ

***Вейцман номидаги институт проспектлари ва плакатларининг кўпида «Қуёш мақбараси» — Энергетик ва амалий тадқиқотлар марказининг 40 метрли минораси кўриниши туширилган.***

Лекин институтда бўлмаганларнинг кўпчилиги бу ерда эътиборлиси унинг ташқи кўриниши эмас, 64 ойнадан ташкил топган улкан қуёш телескопи тизимидир. Электрон ҳисоблаш машиналарининг комплекси ойналарни исталган бурчакда йўналтиришга ва бу билан қуёш энергиясини ютишнинг оптимал режимини яратишга имкон беради. Ушбу тизим автоматик режимда қуёшнинг силжишига мослашган ҳолда йилнинг барча фаслларида ва куннинг исталган соатида ҳам ишлаши мумкин.

Бу мослама ёрдамида Вейцман номидаги институт олимлари метанирлаш мосламасини яратишга муваффақ бўлдилар. Унинг ёрдамида қуёш мосламаси ёрдамида йиғилган энергия озод қилинади ва истеъмолчига юборилади.

Қуёш катализи реакцияси мобайнида ишлаб чиқилаётган қимматли метан гази нафақат иккиламчи бор ишлатилиши, балки метанол ва аммиак маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кимё корхоналарига ҳам берилиши мумкин.





*Соғлом авлод учун*

## ҚОРАТОШДА ЯНГИ МАСКАН

***Шайхонтоҳур туманидаги Қоратош даҳасида болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Ҳамшаҳарларимизнинг 185 нафар фарзандини ўз бағрига оладиган ушбу болалар боғчаси «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 159-тресттнинг 70-қурилиш бошқармаси бош пудратчилари томонидан қурилиб битказилди.***



— 1998 — Оила йилида фойдаланишга топширилган ушбу болалар боғчаси барчага, айниқса, болалар ҳамда уларнинг ота-оналарига қувонч келтирди, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев.

—Чунки эндиликда бу ерда таълим-тарбия олаётган болаларнинг ота-оналари ўз фарзандларининг ишончли мураббийлар қўлида эканлигидан хотиржам бўладилар. Хотиржамлик бўлган жойда эса кўтаринки руҳ ва меҳнат унумдорлиги бўлади.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*СУРАТЛАРДА: янги болалар боғчасида.*

*Владимир Кириллов олган суратлар.*

*Футбол*

## ЯШИЛ МАЙДОНДА — ТАРТИБ ПОСБОНЛАРИ

***Мана беш йилдирки, марҳум милиция генерал-майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган мусобақалар ўз ишқибозларини хурсанд этмоқда.***

Гарчи дастлабки йиллари бу мусобақаларда саноқли вилоят жамоалари иштирок этишган бўлса-да бугунги кунда у яна кенгайиб Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, барча вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг футбол жамоалари фаол қатнашишмоқда.

Жамоалар дастлаб минтақалараро саралаш учрашувларида иштирок этишди. Ғолиб чиққанлар эса ҳал қилувчи баҳсларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ана шундай бахтга Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилояти ИИБ жамоалари ҳамда Жазони ижро этиш бошқармаси ва мезбонлар — ИИВ Академияси сазовор бўлишди.

Ўтган йили Чирчиқда ўтказилган биринчилик ғолиби бўлган вазирлик Академияси жамоаси бу йил ҳам ўйинларни кўтаринки руҳда бошлаб юборишди. Шундан бўлса керак улар биринчи ўйинда самарқандлик ҳамкасблари устидан 9:0 ҳисобида устун келишди. Кейинги учрашувларни ҳам улар фақат ғалаба билан якунлашди. Ҳал қилувчи ўйин икки кучли жамоа — Тошкент вилояти ИИБ ва ИИВ Академияси ўртасида бўлиб ўтиб, унда юксак техник маҳорат ва ҳужумкор ўйинни кўрсатган мезбонларнинг қўли баланд келди. Улар Тошкент вилояти ИИБ жамоаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритишди.

ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари, милиция генерал-майори Жаббор Камолхўжаев билан суҳбатлашганимизда унинг чеҳрасидаги мамнунликни сездик.

— Йигитлар билан уч йилдан бери ишлаб келмоқдамиз, — дейди у. — Ўқиш билан бир қаторда футбол билан ҳам мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Улар орасида республикамизнинг турли жамоаларида тўп сураётган футболчилар ҳам бор. Ўқишни битириб кетиб футбол майдонларида ўйнаётган кўплаб футболчиларни айтиб ўтиш мумкин. Урганч, Қарши, Самарқанд жамоаларида айнан бизда тарбия олиб кетган малакали ўйинчилар тўп сурмоқда. Бу эса фақат бизни қувонтириб қолмасдан ишқибозлар хурсандчилигига ҳам сабаб бўлмоқда.

Айтиб ўтиш лозимки, Академиячилар ҳар йили финалда иштирок этиб икки марта биринчи ва бир марта иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Бешинчи бор ўтказилган биринчиликда Жазони ижро этиш бошқармаси жамоаси илк бор учинчи ўринни эгаллади. Биз ғолибларни совринлар билан табриклаб, яшил майдонларда уларга доимо омад тилаб қоламиз.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ*
*Тошкент шаҳар ИИББ ходими.*

*Бокс*

## ПОЙТАХТНИНГ ЁШ ЧЕМПИОНЛАРИ

***Шаҳримиздаги «Спартак» бокс залида 1984—85 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Тошкент шаҳрининг очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.***

Унда 156 нафар ёш чарм қўлқоп усталари 26 килограммдан 82 килограммгача бўлган вазн тоифаларида 4 кун давомида ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Қизиқарли финал беллашувларидан сўнг қуйидаги ёш чарм қўлқоп усталари шаҳар чемпиони деган фахрий номга сазовор бўлишди. Энг енгил вазнда З. Мархабулин (8-бокс мактаби) барча рақибларини енгиб чемпион бўлди. Шунингдек, И. Эргашев (касаба уюшмалари), А. Низомов (8-бокс мактаби), О. Икромов (касаба уюшмалари), А. Икромов (8-бокс мактаби), Ш. Раҳматуллаев (8-бокс мактаби), Ш. Холиқов (касаба уюшмалари), Ш. Хидиров (8-бокс мактаби), О. Соатов (8-бокс мактаби), Ш. Баратов (касаба уюшмалари), М. Миржалилов (8-бокс мактаби), Ж. Ҳикматуллаев (касаба уюшмалари), Р. Исматуллаев (касаба уюшмалари), Ж. Содиқов (касаба уюшмалари) ва бошқалар ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Барча ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*Ҳамшаҳарларимиз*

## ТАЛАБАЛАР УСТОЗИ

***Тошкент Молия институтининг доценти, талабаларнинг меҳрибон устози Мамадиёр Шерқўзиев ўқувчиларнинг ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишида иқтидори ва меҳнатини аямай келмоқда.***

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ёш Мамадиёр ҳужжатларини Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг математика факультетига топширди. 1967 йили талабаликка қабул қилингач изланишлар бошланди. Бу изланишлар натижасида у талабаларнинг илмий анжуманларининг доимий фаол иштирокчиси, республика талабалар олимпиадаси мутлоқ ғолиби бўлди, нуфузли стипендия соҳиби бўлди.

1971 йили институтни имтиёзли диплом билан тугаллагач илмга чанқоқлиги ҳисобга олиниб, уни факультетда олиб қолишди. Шу йили Мамадиёр Шерқўзиев ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан илмий ишлар бир оз муддат тўхтаб қолди.

1972 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, унинг кейинги фаолияти Киев Давлат университети (Украина геометрлар мактаби) билан боғланди. Аввал илмий тадқиқотчи, сўнгра шу университетнинг аспиранти бўлди. Натижада Одесса Давлат университетида «Сиртларни аналитик ва чексиз кичик эгиш» муаммоси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1977 йилдан Мамадиёр ўзининг илмий ва педагогик фаолиятини яна Тошкент Давлат педагогика институтида давом эттирди. У геометрия кафедрасининг катта ўқитувчиси, факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. 1984 йилдан Тошкент молия институти ташкил қилингунга қадар ўз меҳнат фаолиятини Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Олий математика» кафедрасида доцент, кечки бўлим декани ўринбосари вазифаларида давом эттирди.

Ҳозирги кунда М. Шерқўзиев Тошкент молия институти ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий кенгашнинг «Молия ва кредит» йўналиши бўйича илмий котибидир. Қайси лавозимда ишламасин, ўз фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб бормоқда. Унинг 60 тадан ортиқ илмий-услубий мақолалари ўзбек, рус ва украин тилларида чоп этилган.

М. Шерқўзиев олий ўқув юртларида ўқув жараёнини такомиллаштириш муаммолари бўйича докторлик диссертациясини якунлаш арафасида. Ушбу тадқиқотнинг натижаси сифатида ва унинг бевосита фаол иштирокида Тошкент молия институтидаги еттита йўналиш бўйича ўқув режалари «Таълим ҳақида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида қайта ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Институтда бевосита унинг раҳбарлигида талабаларнинг билимларини баҳолашда рейтинг тизими жорий қилинди. Бундан ташқари профессор-ўқитувчиларнинг рейтингини аниқлашда ҳам унинг таклифлари инобатга олинган.

Унинг «Иқтидорли талабаларни излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга доир услубий тавсияномалар» номли рисоласи институтнинг бу соҳадаги фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда.

*Муродилла РАЕМОВ,*
*Тошкент молия институти доценти.*

*Турфа олам*

## ТАБИАТ — МЎЪЖИЗАКОР

***Ҳа, шундай. Баъзида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ажабтовур воқеаларнинг гувоҳи бўламиз, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Икки бошли илон, олти оёқли бузоқ, бир кўзли қўзичоқ ҳақида эшитганмиз. Начора, табиат гоҳида одамларга ҳам шунга ўхшаш «қалтис ҳазил» қилиб турар экан...***

### ИККИ БОШЛИ БОЛА

Ўш шаҳрида бир аёл икки бошли бола туққан. Боланинг оёқ-қўллари росмана бўлиб пешонасининг ўртасида фақат битта кўзи бор. Бармоқларининг ҳаммаси тирноқлардан иборат. Бутун бадани эса тук билан қопланган.

Дарҳақиқат, баъзан гўдак қуш ёки бирор жониворга ўхшаб туғилиши мумкин. Қуёнлаб ёки бўри танглайига ўхшаган туғма ногиронлик ҳам бўлади. Қулоқсиз, соқов, кар, кўр, икки хил жинсий органлар, суннати ўзи билан туғилган болалар, қоши ва киприклари оппоқ кишилар, мўйлабли қизлар ҳам учраб туради.

### ЮРАГИ ТАШҚАРИДА

Европа газеталарида ҳаётда камдан-кам учрайдиган бир ҳодиса ҳақида хабар 70 йил илгари босилган эди. Хабарга кўра, прагалик бир аёл фарзанд кўрган. Боланинг юраги кўкрагидан ташқарида жойлашган экан. Юрак жуда суст урар, бадани ҳарорати эса 40 даража атрофида бўлган.

### БИР ОДАМДА ОЛТИТА ОШҚОЗОН

Бенгалиялик 24 ёшли Сикумас Даснинг олтита ошқозони бор экан. Шунинг учун ҳам у ҳар куни 15 килограмм нон, 2 килограмм хантал (горчица), 15 литр сут, 30 литр сув, бир челак чой, шу билан бирга ҳўл мева, сабзавот, ошқовоқ, банан — жами 80 килограммга яқин овқат истеъмол қилар экан.

### ХАВФ-ХАТАРДАН ДАРАК БЕРАДИ

Белградлик бир аёлнинг баданида кремний, магний, кумуш бирикмалари аралашган «металл бўлаклари» униб чиқадиган бўлибди. Ажаб, узунлиги бир сантиметргача келадиган бундай яра ва оғриқли ўсимталар ер қимирлаш, сув тошқини ёки бошқа бирор хавф-хатардан тўрт кун илгари пайдо бўлар экан.

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.*

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

**ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Халқаро электр алоқалар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси учун мустақил халқаро алоқалар «998» телефон коди ажратилди. Бу нарса Россияга тегишли бўлган халқаро «7» кодидан фойдаланишга барҳам беради ва Республиканинг телефон рақами тизимини такомиллаштириш имконини беради.
«998» коди босқичма босқич жорий этилади.
1998 йилнинг 1 октябридан бошлаб «998» коди фақат Европадаги мамлакатлар учун очилади. Бунда 1999 йилнинг 1 январига қадар янги тартиб рақамини териш билан параллел равишда «7» кодидан фойдаланиш ҳам сақланиб қолади.
Ана шу босқичда МДҲ мамлакатлари учун Ўзбекистон Республикасига рақам териш тартиби ўзгаришларсиз қолади.
«998» кодидан фойдаланиш пайтида вилоят кодининг биринчи рақамлари тушириб қолдирилади.
Европа абонентларининг чиқиш пайтидаги рақамни териш тартиби намунаси:

**Қарши шаҳрига чиқишда:**

| | Мамлакат коди | Вилоят коди | Абонент № |
|---|---|---|---|
| Амалдаги код: | «7» | «375» | 22 xxxxx |
| Янги код: | «998» | «75» | 22 xxxxx |

**Қашқадарё вилоятининг Ғузор туман марказига чиқишда:**

| | Мамлакат коди | Вилоят коди | Т/М коди | Абонент № |
|---|---|---|---|---|
| Амалдаги код: | «7» | «375» | «55» | xxxxx |
| Янги код: | «998» | «75» | «55» | xxxxx |

Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.

«Шарқ гули» очиқ турдаги акциядорлар жамиятига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 4 майда № 10-сон рақамли берилган гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яккасарой туманидаги масъулияти чекланган хўжалик ҳисобидаги «Электротехкомплект» корхонаси
**ТУГАТИЛАДИ**
Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.


Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0318. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.